

ISSN: 2450-8160

# Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka

wydanie specjalne



Warszawa  
2021

## Editorial Team

---

**Editor-in-chief:** *Gontarenko N.*

---

### EDITORIAL COLLEGE:

---

**W. Okulicz-Kozaryn**, *dr. hab, MBA, Institute of Law, Administration and Economics of Pedagogical University of Cracow, Poland;*

**L. Nechaeva**, *PhD, PNPUI Institute K.D. Ushinskogo, Ukraine.*

**K. Fedorova**, *PhD in Political Science, International political scientist, Ukraine.*

## ARCHIVING

*Sciendo archives the contents of this journal in [ejournals.id](http://ejournals.id) - digital long-term preservation service of scholarly books, journals and collections.*

## PLAGIARISM POLICY

*The editorial board is participating in a growing community of [Similarity Check System's](#) users in order to ensure that the content published is original and trustworthy. Similarity Check is a medium that allows for comprehensive manuscripts screening, aimed to eliminate plagiarism and provide a high standard and quality peer-review process.*

## About the Journal

Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka (HP) publishes outstanding educational research from a wide range of conceptual, theoretical, and empirical traditions. Diverse perspectives, critiques, and theories related to pedagogy – broadly conceptualized as intentional and political teaching and learning across many spaces, disciplines, and discourses – are welcome, from authors seeking a critical, international audience for their work. All manuscripts of sufficient complexity and rigor will be given full review. In particular, HP seeks to publish scholarship that is critical of oppressive systems and the ways in which traditional and/or “commonsensical” pedagogical practices function to reproduce oppressive conditions and outcomes. Scholarship focused on macro, micro and meso level educational phenomena are welcome. JoP encourages authors to analyse and create alternative spaces within which such phenomena impact on and influence pedagogical practice in many different ways, from classrooms to forms of public pedagogy, and the myriad spaces in between. Manuscripts should be written for a broad, diverse, international audience of either researchers and/or practitioners. Accepted manuscripts will be available free to the public through HPs open-access policies, as well as we planed to index our journal in Elsevier's Scopus indexing service, ERIC, and others.

HP publishes two issues per year, including Themed Issues. To propose a Special Themed Issue, please contact the Lead Editor Dr. Gontarenko N ([info@ejournals.id](mailto:info@ejournals.id)). All submissions deemed of sufficient quality by the Executive Editors are reviewed using a double-blind peer-review process. Scholars interested in serving as reviewers are encouraged to contact the Executive Editors with a list of areas in which they are qualified to review manuscripts.

**ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШДА ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИНГ РОЛИ**

Азимов Адхамжон Солижонович  
Қўқон давлат педагогика институти  
катта ўқитувчиси

**РОЛЬ КУЛЬТУРЫ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СОЦИАЛЬНО-  
ПОЛИТИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВА**

Азимов Адхамжон Солиджонович  
Старший преподаватель  
Кокандского государственного педагогического института.

**Аннотация.**

Мазкур мақолада жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда толерантлик маданиятининг роли таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** толерантлик, диний толерантлик, миллатлараро тотувлик, этномаданият, глобаллашув, кўпмиллатлилик, миллатлараро муносабатлар, конфессия.

**Аннотация.**

В статье анализируется роль культуры толерантности в обеспечении социально-политической стабильности общества.

**Ключевые слова:** толерантность, религиозная толерантность, межнациональное согласие, этнокультура, глобализация, многонациональность, межэтнические отношения, конфессия.

**Abstract.**

The article analyzes the role of the culture of tolerance in ensuring the socio-political stability of society.

**Keywords:** tolerance, religious tolerance, interethnic harmony, ethnoculture, globalization, multinationality, interethnic relations, confession.

Мамлакатимиздаги мустақил ривожланиш шароитида руй бераётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар Ўзбекистонликларнинг менталитетида янги миллий давлатчиликни қарор топтириш жараёнларини жадаллаштириб юборди. Нафақат бу, балки, энг асосий демократик тамойиллардан бири бўлмиш толерантлик давлат даражасидагина эмас, шахслар, гуруҳлар даражасида ҳам тобора юзага чиқиб бормокда, толерантлик эса турли этник гуруҳларга мансуб кишиларнинг турмуш тарзига, феъл-атвори, ҳис-туйғулари, фикр-уйлари, ғоялари ва диний қарашларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишни билдиради.

Миллатлараро муносабатлардаги янги тизимнинг қарор топиш жараёнларини ўрганишдан кузатилган мақсад аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, айниқса,

ёшлар ўртасида шундай муносабатларнинг ҳолати ҳақида яхлит ва тўлиқ тасаввур олишдан иборат.

"Муболағасиз айтиш мумкинки, - дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов, - бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги бизнинг ўрнимизга кимлар келишига, ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ[1].

Давлатнинг бутун диққат-эътибори мазкур муаммога қаратилганлиги, чунончи ёшларни тарбиялашга янги ёндошувлар белгилаб берилганлиги ва бу ишда, аввало, маънавийни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга урғу берилганлиги ёш авлодга муносабат тубдан ўзгарганлигидан далолат беради. Халқ турмушининг ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий, ахлоқий штиёжлари, демократии жамиятни ривожлантириш истикболлари она шу муносабатларга асос қилиб олинган.

Демократик ислоҳотларни амалга ошириш, таъсирчан миллий сиёсат юритиш учун ёшлар орасидаги миллатлараро муносабатлар қай йўсинда ўзгараётганлигини синчиклаб ўрганиш методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳолининг сони ва таркибини билдирувчи кўрсаткичлар бундай хулоса чиқариш учун асос бўлади. Масалан, Ўзбекистоннинг йигирма етти миллионли аҳолисидан 60 фоизи 25 ёшга етмаган йигит ва қизлар бўлса, шундан 43 фоизини 16 ёшдаги ўсмирлар ташкил қилади.

Миллий жараёнларнинг моҳиятини тушуниш, ёш авлод тарбиясига оид таъсирчан сиёсатни ишлаб чиқиш, ёшлар орасида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш методларини яратиш учун ҳам миллатлараро бағрикенглик муаммоси бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги дунёда маданий алоқалар кенгайиб бораётганлиги сабабли, турли маданиятлар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлиги муаммоси долзарб вазифа қилиб қўйилмоқда. Ўзаро маданий алоқа ва бу соҳада ҳамжиҳатлик ғоят мураккаб жараён бўлиб, хилма- хил мантикий ва маънавий таркибга эгадир, бу ҳолатни инкор қилиш кўпинча мураккаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Эндиликда инсоният "биз яшаб турган дунё қандай бўлиши керак", "қон тўқилишига, экстремизмга, одамлар ўртасидаги адоватга қандай қилиб бардам бериш керак", деган масала устида тинимсиз бош қотирмоқда. Алоҳида ҳар бир одамни ва умуман жамиятни ўзидан бошқа шахс ва жамиятларни салбий даражада талкин этмаслиқ ўзгалар фикрига сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш - демократик ҳуқуқий жамиятнинг энг асосий

белгиларидан бири эканини тушуниш руҳида қандай қилиб тарбияламоқ керак деган масала ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бағрикенглик яъни толерантлик инсоннинг онгли ҳаётида ва жамиятнинг менталитетида янги онг, шуўрни пайдо қилиб, устивор аҳамият касб этмоқда. Толерантлик тўғрисидаги замонавий концепция яқиндагина пайдо бўлиб, бу тушунчани шакллантиришда ЮНЕСКО кўп куч-қувват сарфлади. Жумладан, 1995 йилда ушбу ташкилот томонидан қабул қилган "Толерантлик тамойиллари декларацияси"да толерантлик фуқаролик жамиятининг қадрияти ва ижтимоий нормаси, дея таърифланди[2].

Ҳозир дунёдаги мамлакатларнинг аксарияти кўпмиллатли, кўп маданиятли характерга эга. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ҳам айнан шундай мамлакатлар жумласига кириб, ушбу ҳол фуқаролар ўртасидаги тинчлик-тотувлик ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаб ҳолишга тўсқинлик қилмайди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлардаги турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига боғлиқдир. Кейинги вақтларда, глобаллашиб бораётган дунёдаги можаролар, шу жумладан миллатлараро низолар кучаяётган бир шароитда, бу муаммо айниқса муҳим ўринга чиқиб боряпти. Шу муносабат билан мшмапъчараро татувлик ҳар қандай кўпмиллатли давлат учун ҳал қилувчи омил сифатида аҳамият касб этмоқда.

Одамларнинг дунёқараш, фикрлаш тарзига асосланувчи мураккаб ходиса бўлмиш миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат аҳолисининг бағрикенглик даражасига борлиқдир. Миллатлараро толерантлик унинг устувор йўналишларидан биридир.

Толерантликни ривожлантириш одамлар ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйишни кўзда тутди. Шу сабабли ҳозирги глобаллашиб бораётган дунёда толерантликни оммалаштиришга, кишиларнинг инсонпарварлик тафаккури ва феъл-атворини такомиллаштиришга, ўзгаларга ётсираш билан қараш (ксенофобия)га қаршилик қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга интилувчи турли ноҳукумат ташкилотлар, фуқаро гуруҳлари ва айрим ташаббускорлар ҳаракат қила бошладилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида толерантлик муаммоси халқаро тус олди, чунки бу муаммонинг ижобий ҳал этилиши халқлар ўртасидаги ва мамлакат ичидаги кўпгина можаролар тугунини ечиб юбориш имконини беради. Чунончи, бир-бирига сабр-тоқат билан қараш, бир-бирининг ўзгача яшаш ҳуқуқини тан олиш, айрим ижтимоий субъектларнинг мутлоқ ҳақиқат тушунчасини тан олиш туурисидаги фикрига қўшилиш соҳасида муайян ҳамжиҳатлик бўлмаса, ўзаро можаролашувчи томонлар ўртасидаги мулоқотда муросага эришиб бўлмайди.

Глобаллашув жараёнида инсониятнинг ўзаро боғлиқлиги кучайиб, унинг бундан буёнги тақдири учун масъулият англаб олинаётганлиги эса толерантлик маданиятининг шаклланишига шак-шубҳасиз имкон бермоқда.

Иқтисодий ўзаро боғлиқлик ахборотнинг глобаллашуви ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқлик ҳозирги дунё глобаллашувининг ўзига хос хусусиятларидир.

Толерантлик - бошқаларнинг фикрига, қарашлари ва ҳаракатларига ғайритабиий тарздаги пассив тобелик эмас; итоаткорона сабр-тоқат қилиш эмас, балки фаол маънавий позициядир; этнослар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик йўлида, ўзга маданий, миллий, диний ёки ижтимоий муҳит кишилари билан ижобий ўзаро муносабат йўлида бағрикенгликка руҳий тайёрликдир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш тарихи янги юз йиллик билан, дунёда мшталлараро ва динлараро адоват бениҳоя авж олган юз йиллик билан бир пайтга тўғри келди. Бизнинг кўз унгимизда бутун-бутун давлатлар барбод бўлмоқдаки,

бунинг асл сабаби мазкур давлатлардаги миллий манфаатларнинг тукнашувидир. Шу сабабли биз Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи миллатлараро ҳамжиҳатлилик ва тотувлик тинчлик ва барқарорлик деганимизда, бу гап шунчаки ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатгина бўлмай, балки бу ҳозирги нотинч дунёдаги республиканинг катта муваффақиятидир.

Толерантлик умумий ақл-фаросат ва ахлоқий қадриятларнинг гўзал заминидида ўсиб етиладиган инсониятнинг абадий идеал ҳолати бўлиб қололмаслиги табиий ҳолдир. Бунда, индивидлар оммаси ёки ақалли кўпчилиги умумий манфаатларга риоя қилиши, бағрикенг бўлиши, умумий фаровонлик ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашиши, фидойиликка чорлаш ва эзгулик қадриятларини тарғиб қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Эндиликда толерантлик омили барча халқларнинг тараққий этишига ва цивилизациядан узулиб қолмаслигига ёрдам берадиган маданият турига айланиб улгурди. Бироқ, турли цивилизацияларнинг ривожланиш шарт-шароитлари турлича бўлганлиги туфайли, маданий тараққиёт парадигмасини ўзгартирмай туриб, халқаро муносабатлар тизимида толерантликни сақлаб қолиш имконияти анча шубҳа туғдиради. Бугунги дунё мафкуравий тузилмаси ҳамма учун умумий ҳақиқат сифатида бирон-бир цивилизацияни сақлаб қолишга қаратилган қадриятларни қарор топтиришга интиладиган "универсал" мафкура ёки аксилмафкура билан алмаштириб қўйилмаслиги учун, толерантликка ҳар қандай, яъни, ўзгага нисбатан муросасозлик сифатида берилган аутентик (аслига мос) шарҳни сақлаб қолиш лозим[3]. Акс ҳолда муросасизлик мантиқан ўзини оқлаб олади.

Жаҳон ҳамжамияти куч монополиясини нейтраллаш йўллари топа олсагина, толерантликни унинг аутентик шарҳида сақлаб қолиш имкони бўлади. XXI асда толерантликнинг реал замини сифатида янги мувозанатни топиш лозим. Янги мувозанат шароитидагина алоҳида шахснинг ҳам, халқнинг ҳам эркин маънавий шаклланиши ва маданий ривожланишига имкон яратилган бўлади.

Эркин шахс сифатида инсон ҳаёт тамойилини танлаб олади ва шунинг билан ўзининг ички мувозанатига эга бўлади. Ташқи мувозанат эса унга тайёр тарзда тақдим этилади. Ички мувозанатни инсон ўзининг иродасига таянган ҳолда ўзи шакллантиради.

Халқ ҳам қадриятлар шажарасида ўзи биринчи ўринга қўйган тамойилларга асосланади. Гарчи кўпчилик миллатлар шунга даъволик қилсалар-да, абадий қадриятлар ташувчиси деб ҳисоблаш мумкин бўлган миллатнинг ўзи йўқ. Агар халқаро ҳамжамият ҳар хил турдаги этник ва миллий айниятларнинг номувофиқлиги муаммосини ҳал қила олсагина, универсал толерантликка имкон яратилган бўлиши мумкиндек кўринади. Бунинг учун иккита фундаментал шарт бажарилиши лозим: биринчиси инсоният ўзини-ўзи асраб қолишга интилган оқилона фикрловчи индивидлар мажмуидан иборат бўлиши лозим; иккинчиси, инсониятга ўз ҳаёт тарзини муттасил яхшилаб бориш учун чекланмаган имконият берилган бўлиши лозим[4].

Бироқ шуниси маълумки, бу мулоҳазада асл ҳаётий реалликлар эмас,

абстракциялар билан иш кўрилмақда. Ҳақиқатда эса, ҳаётнинг моддий шарт-шароитлари чекланган ва тобора торайиб бормоқда; конкрет индивидлар универсал ақл тамойилларидан келиб чиқмай, одатда анъаналар ва вазиятлар тазйиқи остида шу вазиятдаги ҳолатга қараб фикр юритадилар. Шунинг учун ҳам цивилизациянинг йўналишларнинг ўзаро мослашуви муаммоси ғоят мураккаб тус олмақда.

Шу ўринда бошқа бир масала ҳам юзага келади, биз социал ҳақиқат сифатида фақат битта мафкуравий фикрни қабул қилар эканмиз, у ҳолда либерализм асосчиларидан бири Ж.Локк таъриф берган толерантликнинг классик тушунчасини тафтиш қилишга тўғри келади. "Ўз эътиқодларига бегона бўлган барча нарсани, бунга йўл қўйиб берилса, турлича бўлган ва турли томонларга бошлаб кетадиган йўллар пайдо бўлиши мумкин, деб қоралайдиган фанатларнинг фикрига қўшилишга ҳаракат қилиб кўрайлик, деб ёзган эди Ж.Локк - пировард натижада нимага эришамиз? Ҳақиқатан, фақат битта йўл мавжуд. Кишилар қадам қўйган мингларча йўллардан битта ҳақиқийсини танлаб олиш ғоят мушкул. Давлат устидан чекланмаган ҳукмронлик ҳам, қонунлар чиқариш ҳуқуқи ҳам осмонга олиб борадиган ишончлироқ йўлни очиб бера олмайди, бунга фақат оддий инсоннинг эътиқоди қодирдир"[5].

Вақти келиб, жаҳон либерал демократия тамойилларининг универсаллашуви ва бундай универсаллашув бошқа бир шароитга мантиқий ва ахлоқий замин яратадики, бунда янги тартибга қаршилик кўрсатаётган барча "нолиберал" цивилизациялар йўқ бўлиши ёки иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан чегараланган резервацияларга чекиниши керак бўлади.

Ҳозирги замон цивилизацияси тараққиётида кўзга кўриниб қолаётган зиддиятлар минг йиллар давомида мавжуд бўлган цивилизацияларга ҳам янги кўз билан қарашга даъват этмоқда. Ўтмишда мавжуд бўлган барча нарса қолоқ ва примитив деган тасаввурлар ўзига бино қўйишликнинг ўзига хос бўлган намунаси сифатида қабул қилинади. Бошқа томондан олсак, ўтмишни идеаллаштириб, ўтмишда қандайдир олий цивилизацияни, қандайдир Атлантидани топишга уринишларни ҳам тўғри, деб бўлмайди.

Шунинг билан бирга, толерантлик маданиятига баҳо берганда "ҳаётда уч нарсдан - ғазаб, ҳасад ва нафратдан қочиш керак", деган иборасини тўғри идрок этмоғимиз лозим. Негаки, ушбу уч нарса давлат ва жамият барқарорлигини таъминлашга етарлича тўсиқ яратиш эҳтимоли йўқ эмас.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, бугунги кунда, толерантликни шакллантиришнинг асосий ижтимоий-сиёсий ғояларини аниқлаб олишимиз даркор. Булар:

ҳар бир мамлакатда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясида ҳамда Бола ҳуқуқи конвенциясида баён этилган инсон ҳуқуқлари ҳақидаги умумий қоидаларга таянган ҳолда микромуҳит (оила, ўқув муассасаси ва иш жойи)да барча манфаатдор шахслар (ота-оналар, педагоглар, ижтимоий соҳа ходимлари, сиёсатчилар ва умуман жамият аъзолари) иштирокида толерант эътиқодлар, қарашларни шакллантиришга ёрдам берадиган ижтимоий ва сиёсий шарт-



шароитлар тизимини яратиш зарур;

маданий ривожланиш стратегиялари, энг аввало, этник масалаларга ижобий ёндашувни кенгайтириш ҳамда ирқчилик, шовинизм, экстремизм, ксенофобия, дихотомия, миллий чекланганликларнинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш, бунинг учун ёшларни эзгу ғоялар асосида тарбиялаш, уларда хайрихоҳлик муҳитини яратиш, бунёдкорликка чорлаш мақсадга мувофиқдир;

ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳар бир фуқаронинг ўзини намоён қилишга имкониятлар яратиш, давлат ва жамият ҳимоясини ҳис қилиши, ўзгалар билан очиқ мулоқотга киришиш имконига эга бўлган "микродунё" яратишга ёрдам бериш лозим.

Толерантлик маданияти мамлакатда миллатлар, этнослар, элатлар ўртасида иноқлик, интернационал ҳамкорлик, ижтимоий-маданий ҳаётда плюрализм, янгидан-янги социомаданий лойиҳалар учун замин ҳозирлайди. Айниқса, кўпмиллатли давлатларда маданий бағрикенглик ижтимоий-маданий тараққиётнинг, мамлакатда байналмилал муҳитни шакллантиришнинг муҳим шарти саналади. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат, элат ва этник гуруҳлар яшайди. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос маданият, урф-одат, мулоқот тили, тафаккур ва турмуш тарзи, байрам ва маросимлари бор. Маданиятлардаги турфа хиллик, плюрализм умумий ижтимоий-маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни гўзал, мафтункор, қизиқарли, миллатлараро муносабатларни ва мулоқотни жонли қилади, чунки фақат самимий алоқаларгина жамият барқарорлигига ёрдам беради. Ўзбекистонда толерантлик маданиятининг йўналишлари, кўринишлари ранг-барангдир, ҳар бир кишилараро муносабатларни бағрикенглик маданияти нуқтаи назаридан қараш, таҳлил қилиш мумкин. Уларни биз умумлаштирган ҳолда - анъанавий ва замонавий маданият нуқтаи назаридан тадқиқ қиламиз.

Анъанавий маданият, деганда биз халқимизнинг ҳаёт тарзида қадимдан жой олиб келган, ўзбек миллатининг тарихий-маданий бойликлари, анъаналари, қадриятларига айланган ижтимоий-маданий воқеликни назарда тутамиз. Шу ўринда табиий равишда юзага келадиган "халқ анъанавий маданиятининг қайси кўринишларини кўпроқ ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайсиз?", деган саволга "диний урф-одатларни", деган жавоб биринчи ўринда туради.

Ҳақиқатан ҳам, диний меросга, ислом маданиятига бўлган қизиқиш юқори. А.Мень таъкидлаганидек: "Ғарб маданиятини Инжилсиз (христианликсиз), Шарқ маданиятини Куръони каримсиз (исломсиз) тасаввур қилиш мумкин эмас. Маданият охир-оқибатда кенг маънода дин заминидан юзага келган"[6].

Замонавий маданият нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, унда умуминсоний қонуниятлар, тенглик, плюрализм, демократик тартибот, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, гуманизм каби омиллар қамраб олинади. Бу, бир томондан, инсониятни, жамият ва давлатларни интеграциясини таъминласа, иккинчи томондан, анъанавий миллий маданиятларнинг тобора йўқолиб кетишига замин яратади.

Мазкур жараёнларда ёшлар қатлами етакчи ижтимоий куч, дейишимиз мумкин. Ёшлар психофизиологик хусусиятларига кўра, янгиликка интилишни яхши кўради, ўзгариш, олға интилиш, кашфиёт қилиш уларда завқ уйғотади. Чунки, дунёни ўзгартиришнинг тарафдорлари мудом ёшлар бўлган, айнан уларнинг ижтимоий фаоллиги энг ғайрихаётий ғояларни амалга оширишга имкон берган. Шу ўринда Фарбда ёйилган битта иборада: "ўн тўрт ёшида инқилобчи бўлишни истамаган кишига қирққа киргач ўт ўчириш жамоасини бошқаришни ҳам топшириб бўлмайди. Ваҳоланки, олов борлиқни чулғаётганида ўт ўчириш командасига раҳбарлик қилишга не ҳожат"? дейилади. Ҳақиқатан ҳам, инсонда ёшлиқдан бошланган интилиш, бирон-бир соҳага бўлган қизиқиш, келажакда шу соҳа учун катта ижтимоий ютуқларни юзага келтириши табиий ҳол албатта.

Ҳар бир инсон борлиқни, ўзга ҳаёт тарзини, энг аввало, ўзининг миллий қадриятлари орқали баҳолайди ва қабул қилади. Маданий борлиқнинг субстанционал хусусияти шундаки, агар шахсни ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилсангиз, у нафақат маданий бойликларни, шунингдек, ўзининг миллий маданиятини ҳам инкор этади, у мутлақ нигилистга, Ч.Айтматов ибораси билан айтганда, "манқурт"га айланади. Шунинг учун ёшларда толерантлик маданиятининг шаклланиши уларнинг миллий маданияти негизидан юз бериши табиий ҳолдир.

Маълумки, толерантлик давлатлараро муносабатда ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, давлатлар чегарадош ҳудудларида толерантлик маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Асосийси, ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли ҳамон ўзини бир халқ, бир миллат сифатида идрок этади. Чегараларга қарамай қариндош-уруғ бўлган оилалар ўртасида ҳамон борди-келди, тўй ва маракаларни биргаликда ўтказиш анъанаси сақланиб қолган. Шуни унутмаслик керакки, чегарадош ҳудудларда яшовчи аҳоли этнотарихий омиллар таъсири боис қўшни республика аҳолиси билан қон-қариндошлик, маданий ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришга муштоқдир. Айнан улар қўшни давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳамкорлигини белгилаб бериши, ушбу ҳамкорликни мустаҳкамлашда фаол қатнашиши мумкин. Бу эса, толерантликнинг ёрқин тимсолидир.

Шунингдек, Марказий Осиёнинг умумий тарихидан гувоҳлик берувчи ижтимоий-сиёсий институт - маҳаллаларда ҳам бағрикенгликнинг ўзига хос шакли мавжуд. Маҳалладаги толерантлик, дейилганда ўзбек халқига хос бўлган социал бирлик сифатида оилалар билан жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, мустаҳкамлашга хизмат қилиб келади. Маҳалла ижтимоий-сиёсий институт сифатида: диний-ахлоқий, ижтимоий ҳамкорлик, жамоатчилик назорати ва ижтимоий ҳимоя каби функцияларни бажариб келади[7]. Маҳалладаги муносабатлар асосан ушбу йўналишлардаги ҳаёт соҳаларида намоён бўлади. Айнан мана шу фактор маҳалла институтини мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг бирламчи воситаси сифатида кўрсатади.

Яна бир жиҳати, толерантлик маданияти ижтимоий-тарбиянинг алоҳида соҳаси эмас, у алоҳида метод ва воситаларни ҳам талаб этмайди. У умумий ижтимоий-

маданий ва тарбиявий жараёнларнинг таркибий қисмидир. Ёшларни эркин маданий муҳитда, ушбу муҳитда ўзини намоён этадиган ранг-барангликка хайрихоҳлик руҳида яшашга ўргатиш умумий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб келган. Гап ушбу таркибий қисмга шахс эркинлиги, ҳуқуқи, умуминсоний қадриятларга айланаётган демократия, ҳурфикрлик, маданий бойликлар яратиш ва улардан тўла баҳраманд бўлиш каби ҳуқуқий меъёрлар нуқтаи назаридан ёндашишга эътиборни оширишдадир.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг ижтимоий фаоллик ва толерантлиги ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириш орқали ҳаётга, ўзи дуч келаётган муаммоларни ечишга, ижтимоий-ҳуқуқий институтлар фаолиятига фаол муносабатда бўлишини тақозо этади. Бунинг учун, шубҳасиз, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий эътиқод - ҳуқуқий маданият зарурдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И А. Ўзбекистан ХХІ асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистан. 2000,4 б.
2. ЮНЕСКО ХАЛҚАРО МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ. Конвенциялар, битимлар, протоколлар, тавсияномалар, декларациялар. ( Тўплам ) "Бағрикенглик тамойиллари декларацияси".- Тошкент: "Адолат", 2004. - 91-92 б.
3. Радугин А.А. Толерантность как духовно-нравственное основание реализации принципа свободы совести в современном обществе // Научные ведомости. 2013. № 23 (166). Выпуск 26.
4. Пузиков В.Г., Тимофеев А.Ф. Социокультурная толерантность как важнейший фактор межкультурной коммуникации // Наука о человеке: гуманитарные исследования. 2009. № 11.
5. Локк Дж. Опыт о веротерпимости // Сочинения: В 3 т. Т. 3. -М.: Мысль, 1988. - С. 66-90.
6. Мень А. История религии. Т.1. -М.: 1991. -С. 31.
7. Современные этнокультурные процессы в махаллях Ташкента. -Т.: "Фан", 2005. -С. 13.